

Aziz TAJIYEV,
*International Islamic Academy of Uzbekistan, researcher
 of the ISESCO department on Islamic Studies and the study
 of Islamic Civilization. aziztoho_83@mail.ru 11, A.Kadiri,
 Tashkent, 100011, Uzbekistan.
 Tel: (97) 130-98-83 мобил.*

ҲАДИСЛАРНИНГ ТАКФИР ТАҲДИДИГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ АҲАМИЯТИ

РОЛЬ ХАДИСОВ В БОРЬБЕ ПРОТИВ УГРОЗЫ ТАКФИРА

ROLE OF HADITHS IN THE STRUGGLE AGAINST THE DANGER OF TAKFIR

Калит сўзлар: гуноҳи кабира, хорижийлик, мўътазилийлик, муржиъийлик, жабарийлик, аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа, куфр, такфир, мўмин, кофир, оят, ҳадис, имон, гуноҳкор, жаннат, дўзах.

Ключевые слова: смертный грех, хариджиты, мутазилиты, муржииты, жабариты, ахл сунна вал джамаа, неверие, такфир, верующий, неверующий, аят, хадис, вера, грешник, рай, ад.

Key words: big sin, kharijites, mu` tazilites, murji` ites, jabarites, akhl al-sunna wa al-jama`a, unbelief, takfir, believer, unbeliever, atheist, verse, hadith, faith, sinner, paradise, hell.

Бугунги кунда турли мутаассиб оқимлар ўзларининг ғаразли мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ислом таълимотидаги айрим тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини нотўғри талқин қилиб, мусулмонларни тўғри йўлдан адаштиришга, улар орасида ихтилофлар келтириб чиқаришга уринмоқдалар. Улар ўзларининг экстремистик фаолиятларини оқлаш мақсадида ушбу тушунчаларга оид айрим “фатво”ларни чиқармоқдалар, сафларига қўшилмаганларни эса “адашганлар” ёки “кофирлар” деб эълон қилмоқдалар. Энг асосий хатар ислом ниқоби остида фаолият кўрсатаётган экстремистик ва террористик гуруҳларнинг мусулмонларга “кофир” деган айб қўйиб, уларга қарши “жиҳод” эълон қилишларида намоён бўлмоқда.

Тарихдан маълумки, мусулмонлар ўртасидаги илк бўлиниш ва зиддиятга айрим гуруҳлар ўртасида кечган гуноҳи кабира қилган мусулмоннинг ҳолатига оид баҳс-мунозаралар сабаб бўлган. Натижада хорижийлик, муржиъийлик, жабарийлик

Бугунги кунда турли экстремистик ва террористик гуруҳ ва ташкилотлар томонидан “такфир”, “ҳижрат”, “жиҳод”, “шаҳидлик” каби тушунчаларнинг ғаразли мақсадда нотўғри талқин қилиниш ҳолатлари кузатилаётган. Жумладан, улар томонидан буткул бошқа маънода ишлатилаётган “такфир” тушунчаси айрим оқимлар томонидан ҳадисларнинг асл мазмун-моҳиятини нотўғри талқин қилиш, уларни шарҳлашда хатога йўл қўйиш ва нотўғри тушуниш натижасида шаклланган, исломнинг илк давридан бугунги кунга қадар мусулмонлар учун энг катта таҳдид туғдириб келаётган муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу тушунча мусулмонларга қарши уруш очиш, уларнинг жони ва молларига ноҳақ тажовуз қилиш мақсадида ишлатилаётган.

Мақолада “куфр” ва “такфир” тушунчаларининг асл моҳияти аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа таълимотига биноан ёритиб берилган. Мутаассиб оқимлар томонидан қўлланилаётган такфирнинг инсоният тараққиёти, тинчлик, хусусан, мусулмонларнинг бирдамлигига туғдираётган таҳдиди ва хатарли оқибатлари таҳлил қилинган, уларнинг ушбу масаладаги қарашларига оят ва ҳадислар асосида раддиялар берилган. Мусулмонларни ноҳақ куфрда айблаш мумкин эмаслиги исломнинг бирламчи манбалари орқали кўрсатиб берилган. Мақолада “такфир” тушунчасини нотўғри талқин қилувчи бузғунчи оқимларнинг йўли нотўғри экани кўрсатиб берилган.

Сегодня наблюдается тот факт, что различные экстремистские группы и организации умышленно неправильно истолковывают такие понятия, как «такфир», «хиджра», «джихад» и «мученичество». В частности, понятие «такфир», которое использовалась этими сектами в другом смысле, было разработано из-за неправильной интерпретации истинного содержания хадисов, ошибок, допущенных в комментариях и понимании хадисов, и это считается одной из проблем, несущей угрозу мусульманам со времен раннего ислама и до сих пор. Фактически, это понятие используется сейчас для объявления войны против мусульман и незаконного покушения на их жизнь и имущество. В статье объясняется реальное содержание понятий «куфр» и «такфир» на основе учения Ахл аль-Сунна ва аль-Джамаа. В работе анализируются последствия примененной фанатичными сектами угрозы и опасность такфира для развития человека, мира, особенно для единства мусульман. Взгляды этих сект по проблеме такфира опровергаются на основе стихов из Корана и хадисов. Тот факт, что обвинение мусульман в неверии запрещено, объясняется на основе главных источников ислама. В статье показано, что путь этих сект, неправильно истолковывающих понятие «такфир», не является правильным.

Today the fact that the concepts such as “takfir”, “hijra”, “jihad” and “martyrdom” are interpreted wrongly by different extremist groups and organizations is observed. Especially, the concept of “takfir” that used by these sects in an another sense was developed because of wrong interpretation of real content of hadiths, mistakes made in the commentaries as well as in understanding of hadiths and it is considered as one of the troubles that has threatened Muslims since the early period of Islam till now. In fact, this concept is used now for declaring war against Muslims and trespassing on their lives and riches corruptly. The paper explains real content of the concepts of “kufr” and “takfir” on basis of the teaching of Ahl al-Sunna wa al-Jama`a. Threat and dangerous consequences of takfir that used by fanatic sects to the human development, peace, especially to the unity of Muslims were analyzed and views of these sects on the issue of takfir were denied on basis of verses from Qur`an and hadiths. The fact that blaming Muslims as unbelievers is forbidden was explained on basis of the primary sources of Islam. The paper shows that the way of these sects that interpret the concept of “takfir” wrongly is not right path.

ва мўътазилийлик каби илк ақидавий оқимларнинг вужудга келиши кузатилган. Уларнинг ҳар бири гуноҳи кабира хусусида ўзига хос қарашга эга бўлган. Калом соҳасининг етук вакили, ватандошимиз Абу Муъин Насафий (1027–1114) ўзининг “Баҳру-л-калом” (“Калом денгизи”) номли асарида бу ҳақда муҳим маълумотларни беради. Унга кўра, хорижийлик таълимотида гуноҳи кабира қилувчи кофир ҳисобланади. Муржибийликда эса гуноҳ имонга зарар етказмайди, тоат эса куфрга фойда келтирмайди. Жабарийлар банда куфр ва гуноҳларга мажбурланган, деб ҳисоблайдилар. Мўътазилийлар эса гуноҳи кабира қилганлар диндан чиқадилар, бироқ куфрга кирмайдилар, деган қарашни билдирадилар [11; 160 б.].

Юқорида номлари санаб ўтилган оқимлар орасида хорижийлар исломда вужудга келган илк террористик йўналиш сифатида мусулмонларга нисбатан ўта тажовузкор муносабати билан алоҳида ажралиб турганлар. Айнан улар тарихда биринчи марта таълимотларини қабул қилиб, сафларига қўшилмаганларга қарши “такфир” услубини қўлланганлар. Бу ҳолат бугунги кунда турли экстремистик ва террористик гуруҳ ва ташкилотлар фаолияти учун ҳам хос бўлган хусусиятлардан бири ҳисобланади. Исломнинг дастлабки асрида нотўғри қўлланила бошлаган “такфир” тушунчаси айни вақтда ҳам мусулмонлар ўртасидаги эътиқодий бирликка, инсоният тинчлиги ва фаровонлигига улкан таҳдид туғдираётган асосий омиллардан бири сифа-

тида қолмоқда. “Жамоату-т-такфир ва-л-ҳижра” (“Такфир ва ҳижрат жамоаси”) экстремистик ташкилотининг мафкуравий асосчиларидан бири бўлмиш Моҳир Бакрий ўзининг “Китобу-л-ҳижра” (“Ҳижрат ҳақидаги китоб”) номли асарида исён ва гуноҳларни Аллоҳга куфр келтириш билан тенглаштирганлиги фикримизни тасдиқлайди [18; 250 б.]. Афсуски, юқоридаги каби мутаассиб оқимлар томонидан бундай қарашларни тарқатишга уриниш натижасида етарли маълумотга эга бўлмаган айрим мусулмонларнинг тўғри йўлдан адашиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ушбу масалани ўрганишга киришишдан олдин “куфр” ва “такфир” тушунчаларининг асл мазмун-моҳиятини яхши англаб олиш зарур бўлади. Араб тадқиқотчиси Саид ибн Али ибн Ваҳф Қахтоний (1951–2018) ўзининг “Қазийяту-т-такфир байна аҳли-с-сунна ва фирақи-з-залал” (“Аҳлу-с-сунна ва залолатдаги оқимлар ўртасидаги такфир масаласи”) номли асарида “куфр” атамасига шундай таъриф беради: “Куфр – ҳақиқатни беркитиш ва инкор қилишдир. У Қуръонда зикр қилинган энг биринчи гуноҳ ҳисобланади. У гуноҳи кабираларнинг энг каттаси бўлиб, ундан катта гуноҳ йўқ” [20; 8 б.]. Куфрнинг инсоннинг диндан чиқишига сабаб бўлувчи куфри акбар ҳамда диндан чиқишига сабаб бўлмайдиган куфри асғар деган турлари мавжуд. Куфри акбар имоннинг зидди бўлиб, дўзахда абадий қолишни тақозо қилади. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг келтиришича, пайғамбарларни ёлғончига чиқариш, кибр сабабли имондан бош тортиш, пайғамбарнинг сўзларини тинглашдан юз ўгириш, пайғамбарнинг ростгўйлиги ёки ёлғончилиги борасида шубҳада қолиш ва тилда имон калимасини айтгани билан қалбида имон бўлмаслиги каби ҳолатлар куфрнинг ушбу турига мисол бўлади [18; 239-240 б.]. Куфри асғар барча гуноҳларни ўз ичига олади, бироқ дўзахда абадий қолишни тақозо қилмайди.

Дарҳақиқат, Пайғамбар (с.а.в.) айрим гуноҳларнинг ўта оғир эканини таъкидлаш мақсадида уларга нисбатан “куфр” атамасини мажозий маънода қўллаганликларини кўриш мумкин. Ҳадисларда зикр қилинган бундай гуноҳ ишларга қўл уриш инсоннинг куфрга киришига, яъни кофир бўлишига олиб келмайди, бироқ гуноҳкор бўлишига сабаб бўлади. Бунга ривоятлардан кўплаб далилларни келтириш мумкин. Жумладан, Имом Термизий ривоятида шундай дейилади:

مَنْ خَلَفَ بِغَيْرِ اللَّهِ فَقَدْ كَفَرَ أَوْ أَشْرَكَ.

“Ким Аллоҳдан ўзганинг номи билан қасам ичса, кофир ёки мушрик бўлибди” [4; 309 б.]. Таъкидлаш жоизки, айрим мутаассиб оқимлар томонидан юқоридаги каби ҳадисларнинг нотўғри тушунилиши ёки ғаразли мақсадни кўзлаган ҳолда хато талқин қилиниши айрим мусулмонлар ўртасида ихтилофларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Аслида унинг мазмуни Аллоҳдан ўзганинг номи билан қасам ичиш оғир гуноҳ эканини англатади ва буни қилган билан инсон чин маънодаги кофирга айланиб қолмайди. Шунингдек, замонавий тадқиқотчилардан бўлган Мунқиз ибн Маҳмуд Сақорнинг келтиришича, бундай ҳадисларда зикр қилинган “куфр” сўзи Қуръон оятларида келтирилган “куфр”дан кескин фарқ қилади, уларни ўзаро таққослаш тўғри эмас. Чунки, Қуръонда келтирилган имон сифати фақат мукаммал мўминларни, куфр сифати эса энг тубан кофирларни билдириб келади, бундан бошқа маънода эса қўлланилмаган. Бу Қуръоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади [19; 36 б.].

“Куфр” тушунчасининг истилоҳий маъноси ҳақида олимлар томонидан турли фикрлар билдирилган. Жумладан, Ҳужжату-л-ислом лақабига сазовор бўлган Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий (1058–1111) унга “куфр – Расулуллоҳ (с.а.в.) олиб келган нарсани ёлғонга чиқариш”, деб таъриф беради [7; 25 б.]. Юқоридаги маълумотлар имон келтириш вожиб бўлган нарсаларни қасддан инкор қилиш, Аллоҳ ва Унинг Расули бандаларга фарз қилган амалларни билиб туриб ёлғонга чиқариш диндан чиқишга сабаб бўлишини кўрсатади. Бу эса гуноҳ ишларга қўл ургани, амалларни бажармагани, дунёвий давлатда ҳаёт кечираётганлари, давлат корхоналарида меҳнат фаолиятини олиб бораётганлари, “ҳижрат” қилмаётганлари, ўзгаларни куфрда айблаётганлари ва бошқа шу каби сабаблар учун мусулмонларни кофир деб эълон қилувчи экстремистик ва террористик гуруҳ ва ташкилотларнинг деструктив фаолияти ислом таълимотига зид бўлган бузғунчи асослар устига қурилганининг яққол далили бўлади.

“Такфир” тушунчаси “куфр” сўзидан ясалган бўлиб, “ўзгаларни кофирга чиқариш”, “кофир дейиш” маъноларида ишлатилади. Пайғамбар (с.а.в.) мусулмонларни такфирдан ва куфр билан айблашдан қаттиқ огоҳлантирганлар. Чунки мусулмонларни арзимас сабаблар туфайли ёппасига кофирга

чиқариб, уларнинг жон ва молларини ўзлари учун ҳалол санаб олган бузуқ тоифалар фаолияти ислом тарихида аянчли из қолдирган. У мусулмон жамиятининг бир нечта йўналишларга бўлиниб кетишига, бегуноҳ инсонларнинг қони ноҳақ тўкилишига, ислом ва мусулмонлар ҳақида нотўғри қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлган ва бўлмоқда. Манбаларда такфирнинг ҳатарли оқибатлари ҳақида батафсил маълумот берилган. Жумладан, ислом оламининг кўзга кўринган етук олимларидан бири Юсуф Қарзовий кофир бўлиш билан инсоннинг хотини талоқ бўлиши, оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши, жамиятдан ажратиб қўйилиши, унга муртад ҳукмининг берилиши, вафот этганда мусулмонларга қилинадиган амалларнинг қилинмаслиги, кофир ҳолатида вафот этса, Аллоҳнинг лаънатида учраб, Унинг раҳматидан мосуво бўлиши каби салбий оқибатларини санаб ўтади [22; 29-30 б.].

Шу сабабли Пайғамбар (с.а.в.) даврида мусулмонларни куфрда айблаш ҳолатлари деярли кузатилмаган. Тарихдан маълумки, илк ислом даврида саҳобалар орасида турли гуноҳ ишларга қўл урганлари ҳам учраб турган. Бироқ уларнинг ҳеч бирига кофир ёки муртад деган айблар қўйилмаган. Зино, ўғирлик, маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилиш каби гуноҳлар диндан чиқишга сабаб бўлганида уларга қўл урганларнинг тавбаси эътиборга олинмаган, уларга жазо чораси сифатида қатл белгиланган бўлар эди. Ваҳоланки, ўша даврда бундай ишларга жазо сифатида ҳадлар жорий қилинган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ислом тарихида илк бор такфирнинг қўлланилиши Али ибн Абу Толиб (656–661) халифалиги даврида кузатилган. Бу ҳақда баҳсга киришган илк мутаассиб оқим эса хорижийлик ҳисобланади. Ушбу таълимот тарафдорлари гуноҳи кабира қилган мусулмонларни кофир деб эълон қилиб, уларнинг жони ва молларини ўзлари учун ҳалол деб топганлар, уларни дўзахда абадий қолади, деб эътиқод қилганлар. Ўша даврда мусулмонлардан ажралиб чиқиб, ўзларини ҳақиқий мўмин, таълимотларини қабул қилмаган, сафларига қўшилмаганларни эса кофир деб эълон қилиб, уларга қарши ўта мурасиз кураш олиб борган хорижийлар дастлаб Али томонида туриб Муовия ибн Абу Суфёнга қарши жанг қилганлар. Сиффин жангида улар Алини таҳқимга рози бўлишга ундаганлар, сўнгра унга рози бўлгани сабабли Али ва саҳобаларни куфрда айблаган ҳолда لَا حُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ (Ҳукм фақат Аллоҳникидир) шиори остида қолганлардан

ажралиб чиққанлар. Улар бир вақтнинг ўзида Али ва Муовияга қарши кураш олиб борганлар.

Бугунги кунда айрим мутаассиб оқимлар томонидан ушбу тушунчанинг ғаразли мақсадда қўлланиш ҳолати эса аксарият экстремистик ва террористик гуруҳ ва ташкилотлар таълимотининг мафкуравий манбаси бўлмиш Аҳмад ибн Абдуҳалим ибн Таймиянинг (1263–1328) ғояларидан илҳомланган ҳолда шакллантирилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Исломда “инқилобий кураш” таълимотини яратган Аҳмад Ибн Таймиянинг айрим ақидавий масалалардаги мотуридийлик ва ашъарийликка зид бўлган қарашлари кейинчалик турли мутаассиб оқимларнинг мафкурасига асос бўлиб хизмат қилди [10; 49 б.].

Юқорида номлари санаб ўтилган шахслар ўз қарашларига далил сифатида салафи солиҳларнинг асли мавжуд бўлмаган ижмоъларини тўқиб чиқарганлари, таълимотларига зид бўлган ҳар қандай ҳадисни ишончсиз деб эълон қилганлари, ғоявий мухолифларига нисбатан ҳақоратли ибораларни ишлатганлари билан ажралиб турганлар. Улар асос солган декструктив фаолият кейинчалик ваҳҳобийлик ҳаракати асосчиси Муҳаммад ибн Абдуваҳҳоб (1703–1791) томонидан изчил давом эттирилган. У Ибн Таймиянинг фикрларидан илҳомланган ҳолда айни вақтда улардан фарқли равишда ўз қарашларини мусулмонлар ўртасида куч билан сингдиришга ҳаракат қилган. Манбаларда “такфир” тушунчаси унинг “ал-Усулу-с-саласа” (“Уч усул”) ҳамда “Навоқизу-л-ислом” (“Исломни бекор қилувчи омиллар”) номли рисоаларидан олингани, муаллиф такфир масаласида ғулувга кетиб, ҳаддидан ошганлиги зикр қилинган [17; 136 б.].

Бугунги кунда экстремистик ва террористик гуруҳ ва оқимларнинг такфирга оид фаолиятининг таҳлили улар гуноҳга қўл уриш, “жамоат”дан четланиш, “ҳижрат” қилмаслик, шаръий қоидаларга амал қилмаслик сабабли мусулмонларни куфрда айблаётганларини кўриш мумкин. Гуноҳ сабабли куфрда айблаш ҳолати хорижийлар фаолияти билан бошланган ва бугунги кунда “жамоату-т-такфир ва-л-ҳижра” ташкилоти томонидан изчил давом эттирилмоқда. Улар ҳар қандай гуноҳ ишга қўл урган мусулмонларни кофир деб эълон қилишлари билан ажралиб турадилар. Улар ушбу масалада ўзларининг қарашларига далил сифатида фойдаланган ҳадисларда гуноҳқорларга дўзах азоби борлиги айtilган бўлса, гуноҳларни тарк қилиб, итоат қилгани

учун жаннат ҳам ваъда қилинган. Яъни, бундай мазмундаги ҳадислар мусулмонларни жаннатий ёки дўзахий деб ҳукм чиқариш учун эмас, балки ёмонликдан тийилиш ва эзгуликка тарғиб қилиш мақсадида айтилган. Манбаларда кимнинг дўзах ёки жаннатга тушиши Аллоҳнинг хоҳиш ва иродаси билан бўлиши қайд қилингани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа олимлари нафақат кичик гуноҳлар, балки гуноҳи кабиралар ҳам мусулмоннинг диндан чиқишига сабаб бўлмаслигига ижмоъ қилганлар. Улар бунга оят ва ҳадислардан кўплаб далиллар келтиришган. Жумладан, Анас ибн Моликдан ривоят қилинган ҳадис гуноҳи кабира қилувчиларни куфрда айблайдиганларга кучли раддия ҳисобланади.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: ثَلَاثٌ مِنْ أَصْلِ الْإِيمَانِ: الْكَفُّ عَنْ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَلَا تُكْفِرُهُ بِذَنْبٍ وَلَا تُخْرِجُهُ مِنَ الْإِسْلَامِ بِعَمَلٍ.

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ (с.а.в.): “Уч нарса имоннинг аслидир: “ла илаҳа илаллоҳ” деган кимсага тегмаслик, қилган гуноҳи учун уни куфрда айбламаслик, амали учун исломдан чиқармаслик”, – дедилар” [3; 223 б.]. Ушбу ҳадисда инсонларни қилган гуноҳлари ёки буюрилган амалларга риоя қилмаганлиги сабабли куфрда айблаш ва исломдан чиқариш мумкин эмаслиги таъкидланмоқда. Ривоятдан “ла илаҳа илаллоҳ” деган кимсага тегмаслик, гуноҳи ёки амали туфайли уни куфрда айбламаслик мўминга хос бўлган сифат ва хусусиятлар эканини билиб олиш мумкин. Бу эса айнан ҳадисда санаб ўтилган омиллар сабабли мусулмонларни куфрда айблаётганларнинг ўзлари мўмин эмаслигини кўрсатади.

Аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа олимлари мусулмон киши нафақат гуноҳи кабирага қўл урган ҳолатда, ҳатто куфр маъносидаги биронта сўзни айтиб қўйган ҳолатда ҳам унинг кофир бўлганига бир нечта, мусулмонлигига эса битта далил бўлса, айнан унинг мусулмонлигига далолат қилувчи жиҳатни эътиборга олиш лозимлигини таъкидлайдилар. Жумладан, машҳур ҳанафий олим Мулло Али Қорийнинг келтиришича, куфрга тааллуқли бўлган масалада инсоннинг кофир эканига тўқсон тўққизта эҳтимол, мусулмонлигига эса битта эҳтимол мавжуд бўлса, муфтий ва қозилар куфрга қарши эҳтимолга

амал қилишлари лозим бўлади. Чунки унинг мусулмонлиги ҳақида ҳукм чиқаришда содир бўлган хато уни кофир деб ҳукм чиқаришнинг оқибатларига қараганда енгилроқдир.

Шунингдек, айрим ҳадисларда инсон Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирмаган ҳолда вафот этадиган бўлса, жаннатга кириши таъкидланади.

قَالَ: مَنْ مَاتَ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ الْجَنَّةَ وَمَنْ مَاتَ يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ النَّارَ.

“Расулulloҳ (с.а.в.): “Ким Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирмаган ҳолда вафот этса, жаннатга киради. Ким Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирган ҳолда вафот этса, дўзахга киради”, – дедилар” [1; 180 б.]. Ушбу ҳадисдан ширк кечирилмаслигини, ундан бошқа гуноҳларни эса Аллоҳ Ўзи хоҳласа кечириши мумкинлигини билиб олиш мумкин.

Мутаассиб оқимларнинг “такфир” масаласидаги қарашларига раддия беришда ҳадислар билан бир қаторда калом йўналишида битилган асарлар ҳам муҳим ўрин тутади. Ислом илмларининг ушбу соҳасида ижодий фаолият олиб борган олимлар аҳли қиблани кофирга чиқаришнинг хатарли оқибатларидан огоҳлантирганлар. Улар томонидан турли ақидавий адашган оқимларнинг ғояларига раддия услубида ёзилган китобларида “такфир” тушунчасининг нотўғри қўлланишига ҳам раддиялар берилган. Жумладан, ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Нўъмон ибн Собит (699–767) ўзининг “ал-Фикҳу-л-акбар” (“Буюк илм”) номли асарида ёзади: “Биз мусулмон кишини, агар у ҳалол деб қилмаган бўлса, гуноҳлари сабабли кофирга чиқармаймиз, ҳатто гуноҳи кабира қилган бўлса ҳам. Ундан мўмин сифатини олиб ташламаймиз, аксинча уни мўмин деб атайвераимиз. Бироқ уни фосиқ мўмин деб аташимиз мумкин” [12; 117 б.].

Ақоид китоблари ва уларга ёзилган шарҳларда ҳам мусулмон гуноҳи кабира қилиш вақтида вафот этса, кофир ҳисобланмаслиги таъкидлаб ўтилган. Агар ушбу дунёда қилган гуноҳи учун жазо олган бўлса, бу унинг учун охиратда каффорат бўлиши, бу дунёдан жазо олмаган ҳолда ўтиб кетса, унинг иши Аллоҳга ҳавола қилиниши баён қилинган. Аллоҳ хоҳласа уни кечиради, хоҳласа азоблайди.

Буюк ватандошимиз Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий (1067–1142) ўзининг “ал-Ақоиду-н-насафия” (“Насафий ақоиди”)

номли асарида гуноҳи кабира қилганларни куфрда айблаш масаласига раддия берган ҳолда имон қалб билан тасдиқлаш эканлиги сабабли мўмин имонни инкор қилсагина кофир бўлиши мумкинлигини таъкидлайди [21; 255 б.].

Хорижийларнинг гуноҳи кабира қилганларнинг дўзахда абадий қолишлари ҳақидаги қарашларига тўхталадиган бўлсак, бу ҳақда ақоид илмининг етук вакилларида бири Абу Жаъфар Таҳовий (853–935)нинг келтиришича, гуноҳи кабира қилганлар дўзахда абадий қолмайдилар. Улар қилган гуноҳларига тавба қилмасдан вафот этган бўлсалар ҳам мўмин бўлиб қолаверадилар. Улар Аллоҳнинг хоҳиши ва ҳукмига ҳавола қилинади. Аллоҳ хоҳласа, Ўз фазли билан уларни кечиради [6; 10 б.].

Ҳадисларда ҳам хорижийларнинг ушбу қарашларини инкор қилувчи маълумотлар мавжуд. Уларда гуноҳи кабирага қўл урганларни Аллоҳ хоҳласа, Ўз адолати билан азоблаши ёки раҳмати ҳамда Пайғамбар (с.а.в.)нинг шафоати билан жаннатга киритиши мумкинлиги баён қилинган. Жумладан, Имом Бухорий томонидан ривоят қилинган ҳадис гуноҳи кабира қилганларнинг жаннатга кириши мумкинлигига яққол далил ҳисобланади.

فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ذَاكَ جَبْرِيْلُ أَتَانِي فَأَخْبَرَنِي أَنَّهُ مَنْ مَاتَ مِنْ أُمَّتِي لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ الْجَنَّةَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَإِنْ رَزَى وَإِنْ سَرَقَ قَالَ: وَإِنْ رَزَى وَإِنْ سَرَقَ.

“Набий (с.а.в.): “Бу Жаброилдир. У менинг олимга келиб, умматимдан ким Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмасдан вафот этса, жаннатга киришининг хабарини берди”, – дедилар. Мен: “Эй Расулulloҳ, зино ва ўғирлик қилса ҳамми?” – деб сўрадим. У зот: “Зино ва ўғирлик қилса ҳам”, – деб жавоб бердилар” [15; 162 б.]. Ушбу ҳадис мазмун-моҳияти билан мусулмон гуноҳи кабира қилган ҳолатда, бироқ Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирмаган ҳолда вафот этса, жаннатга кириши мумкинлигини кўрсатади. Бу эса хорижийларнинг мазкур қарашини инкор қилувчи кучли далил ҳисобланади. Бунга қўшимча равишда Юсуф Қарзовийнинг фикрини ҳам келтириб ўтиш мумкин: “Кичик ва катта гуноҳларни бардавом қилувчи одам улардан тавба қилмаган бўлса, бу унинг имонининг нуқсонли бўлишига сабаб бўлади, бироқ имонидан бутунлай айирмайди”

[22; 42 б.]. Шунингдек, агар гуноҳ қилиш инсоннинг диндан чиқишига сабаб бўлганида фақиҳлар бунинг учун унга муртадга қўлланиладиган жазо турини қўлаган бўлар эдилар. Ваҳоланки, улар бунинг учун бошқа жазо чораларини, яъни ҳадларни қўллаганлар.

Бошқа бир ҳадисда эса гуноҳи кабира қилганлар Пайғамбар (с.а.в.)нинг шафоатлари туфайли жаннатга кириши мумкинлиги зикр қилинган.

عَنْ أَنَسٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: شَفَاعَتِي لِأَهْلِ الْكِبَائِرِ مِنْ أُمَّتِي.

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ (с.а.в.): “Менинг шафоатим умматимдан гуноҳи кабира қилганлар учундир”, – дедилар” [5; 446 б.]. Демак, бундай ишларга қўл урганлар хорижийлар даъво қилганларидек дўзахда абадий қолмас эканлар, балки Пайғамбар (с.а.в.)нинг шафоат қилишлари натижасида жаннатга киришлари мумкин экан.

Маълумки, оят ва ҳадисларда мусулмонларнинг муайян тоифаси ёки жамоат ҳақида ҳам сўз боради. Бугунги кундаги экстремистик ва террористик гуруҳ ва ташкилотларнинг деярли барчалари ушбу жамоат – мусулмонларнинг асл тоифаси ўзлари эканини таъкидлайдилар. Айни вақтда улар ушбу жамоатдан ташқарида бўлганлар, яъни ўзларига қўшилмаганларни ундан четда қолганликда ва бунинг натижасида кофир бўлганликда айблайдилар. Бироқ олимларнинг яқдил фикрларига кўра, манбаларда зикр қилинган жамоат деганда мусулмонларнинг кўпчилигини ташкил қилувчи қисми, бошқа сўз билан айтганда аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа тушунилади. Ушбу жамоатдан четланиш эса мутаассиб оқимлар даъво қилганларидек, уларнинг сафига қўшилмаслик ёки уларни тарк қилиш билан эмас, балки исломдан чиқиш, яъни муртад бўлиш билан содир бўлади. Демак, бу ерда бузғунчи оқимларнинг жамоат борасидаги қарашлари илмий асосларга асосланмаган, ғаразли мақсадларни кўзлаган ҳолда шакллантирилган вайронкор ғоя экани аниқланади. Бу эса уларнинг ушбу масалада қўллаётган “такфир”лари хато йўл эканини кўрсатади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мутаассиб оқимларнинг “ҳижрат” қилмаганларни куфрда айблаш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. “Ҳижрат” сўзи-

нинг луғавий маъноси бир жойдан иккинчи жойга кўчишни англатади. Истилоҳда эса илк ислом даврида мусулмонларнинг дастлаб Ҳабашистонга, сўнгра Мадинага қилган ҳижратлари тушунилади. Ушбу ҳижратларнинг амалга оширилиш сабабларига қарайдиган бўлсак, Пайғамбар (с.а.в.) мушрикларнинг азияти тоқат қилиб бўлмас даражага етганидан сўнг ноиложликдан мусулмонларни ҳижрат қилишга буюрганларини кўриш мумкин. Шу сабабли у зот (с.а.в.) Макка шаҳри фатҳ қилинганидан сўнг бошқа ҳижрат қилмасликка буюрганлар. Бу ҳадисларда ҳам ўз аксини топган.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يَوْمَ الْفَتْحِ: لَا هِجْرَةَ بَعْدَ الْفَتْحِ.

Ибн Аббосдан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ (с.а.в.) фатҳ кунда: “Фатҳдан сўнг ҳижрат йўқдир”, – дедилар” [14; 67 б.]. Ҳанафий мазҳаби олимлари ушбу ҳадисни олдинги ҳижратларнинг ҳукмини бекор қилувчи носих деб эътироф этганлар. Жумладан, юртдошимиз, фикҳ илмининг етук вакили Абу Бакр Косоний шундай дейди: “Чунки ҳижрат ўша кунда фарз эди. Сўнг “фатҳдан кейин ҳижрат йўқ!”, дейилган Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадиси туфайли ҳукми бекор қилинди” [2; 671 б.]. Шунга биноан Макка фатҳидан сўнг ҳижратнинг ҳукми бекор қилинган, бутунги кунда у на фарз, на вожиб ва на суннат амал ҳисобланади. Аксинча инсон ҳижрат қиламан, деб ўзини-ўзи қийнаши унинг гуноҳкор бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли бузғунчи оқимлар даъво қилаётганларидек ҳижрат қилмаганларни кофир деб эълон қилиш ношаръий ҳисобланади. Аксинча, эътиқод эркинлиги тўлиқ таъминланган ҳудудларни тарк қилиб, уруш ўчоқларига айланиб бораётган минтақаларга ҳижрат қилиш эмас, балки гуноҳ ва ёмонликларни тарк қилган ва улардан тийилган ҳолда маънавий ҳижрат қилиш фарз ҳисобланади. Ҳадислар ҳам айнан шу йўл тўғри эканини кўрсатади.

إِنَّ الْهَجْرَةَ خَصَلْتَانِ إِحْدَاهُمَا أَنْ تَهْجُرَ السَّيِّئَاتِ وَالْأُخْرَى أَنْ تَهَاجِرَ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَلَا تَنْقُطَ الْهَجْرَةُ مَا تَقَبَلْتَ التَّوْبَةَ وَلَا تَزَالَ التَّوْبَةُ مَقْبُولَةً حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ مِنَ الْمَغْرِبِ فَإِذَا طَلَعَتْ طَبَعَ عَلَى كُلِّ قَلْبٍ بِمَا فِيهِ وَكَفَى النَّاسَ الْعَمَلَ.

“Ҳижратнинг икки хислати бор. Биринчиси, ёмонликлардан ҳижрат қилиш. Иккинчиси, Аллоҳ ва Унинг Расулига ҳижрат қилишидир. Токи тавба қабул бўлмагунча ҳижрат тўхтамайди. Тавба эса қуёш мағрибдан чиққунга қадар қабул қилинаверади. Қуёш мағрибдан чиқадиган бўлса, ҳар бир қалб ўзида бор нарса билан муҳрланади, инсонларга амали етарли бўлиб қолади” [9; 206 б.].

Ҳижрат инсоннинг хато ва гуноҳ ишлардан тийилиши эканига далолат қилувчи ҳадисларни шарҳлаган олимлар уларда аслида ёмонликларга нуқта қўйиш ҳақиқий ҳижрат экани кўзда тутилганини таъкидлайдилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: وَالْمُهَاجِرُ مَنْ هَجَرَ مَا نَهَى اللَّهُ عَنْهُ.

Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади:

“Набий (с.а.в.): “Ҳақиқий муҳожир шундай кишики, у Аллоҳ қайтарган нарсалардан ҳижрат қилади (тарк қилади)”, – деганлар” [13; 59 б.]. Тарихдан маълумки, Пайғамбар (с.а.в.) Арабистон ярим оролининг турли ҳудудларида яшайдиган мусулмонларга ўзлари яшаётган Мадина шаҳрига ҳижрат қилишни буюрмаганлар. Агар ҳижрат исломда буюрилган асосий амаллардан бири бўлганида, у зот (с.а.в.) албатта мусулмонларни ўзларининг ёнларига кўчиб келишга буюрган бўлар эдилар. Демак, турли оқимларнинг ҳижратнинг фарзлиги, уни бажармаганлар гуноҳкор, ҳатто кофир бўлишлари ҳақидаги қарашлари ислом таълимотига буткул зид ҳисобланади.

Умуман, манбалар Пайғамбар (с.а.в.) такфирнинг хатарли оқибатларини олдиндан сезган ҳолда мусулмонларни бундан қайтарганларига оид кўплаб ҳадислар мавжудлигини кўрсатади. Уларнинг барчасида ўзгаларни куфрда айблашдан эҳтиёт бўлиш лозимлиги алоҳида таъкидланади. Жумладан, Имом Бухорий келтирган ривоятда ҳам бунинг исботини кўриш мумкин.

عَنْ جَرِيرٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَهُ فِي حَجَّةِ الْوُدَاعِ: اسْتَنْصِتِ النَّاسَ فَقَالَ: لَا تَرْجِعُوا بَعْدِي كَفَّارًا يَضْرِبُ بَعْضُكُمْ رِقَابَ بَعْضٍ.

Жарирдан ривоят қилинади:

“Набий (с.а.в.) видолашув ҳажида менга: “Инсонлардан тинчланиб, қулоқ тутишларини сўрагин”, – дедилар. Сўнгра: “Мендан сўнг бир-бирларингизнинг бўйинини кесадиған кофирлардан бўлманглар”, – деб айтдилар” [13; 125 б.].

Ҳатто ўзгаларни куфрда айблаш инсоннинг гуноҳкор бўлишига сабаб бўлишини кўрсатувчи ҳадислар ҳам мавжуд.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا قَالَ الرَّجُلُ لِأَخِيهِ يَا كَافِرُ فَقَدْ بَاءَ بِهِ أَحَدُهُمَا.

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ (с.а.в.): “Агар бир киши ўз биродарига эй кофир, деса, бу сўзи улардан бирига қайтади”, – дедилар” [15; 77 б.]. Ибн Ҳажар Асқалонийнинг ушбу ҳадисга берган шарҳида келтиришича, олимлар “қайтмоқ” феълнинг таъвили хусусида ихтилофли фикрларни билдириб ўтганлар. Жумладан, айрим олимлар ушбу айбловни ҳалол деб санаган ҳолда айтган бўлса, ушбу айблов ўзига қайтади, деб таъвил қилганлар. Баъзилар эса ушбу ривоятнинг хорижийлар хусусида ворид қилинганини айтганлар. Бу борада тўғри фикр шундан иборатки, мусулмонлиги кўриниб турган одамни кофир деб айбланган ҳолатда унинг кофирлигига далил мавжуд бўлмаса, айтган одамга тақфири қайтади. Тақфирнинг қайтиши эса унинг кофир бўлишини англатмайди [8; 601 б.].

Ҳадислар Аллоҳнинг ягоналиги, Пайғамбар (с.а.в.) Унинг Расули эканига имон келтирган ҳар қандай инсон мўмин ҳисобланишини кўрсатади. Унинг имонини муҳокама қилиш, мусулмон ёки кофирлигини аниқлаш ҳуқуқи бандаларга берилмаган. Чунки имон инсоннинг қалбида бўлгани сабабли уни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди.

بَعَثْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْخُرَقَةِ مِنْ جُهَيْنَةَ قَالَ: فَصَبَحْنَا الْقَوْمَ فَهَزَمْنَاهُمْ قَالَ: وَلَحِقْتُ أَنَا وَرَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ رَجُلًا مِنْهُمْ قَالَ: فَلَمَّا غَشِينَاهُ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ قَالَ: فَكَفَّ عَنْهُ الْأَنْصَارِيُّ فَطَعَنَتْهُ بِرُمْحِي حَتَّى قَتَلْتُهُ قَالَ: فَلَمَّا قَدِمْنَا بَلَغَ ذَلِكَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: فَقَالَ لِي: يَا أَسَامَةُ أَقَتَلْتَهُ بَعْدَمَا قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ؟ قَالَ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّمَا كَانَ مَتَعَوِّذًا قَالَ: أَقَتَلْتَهُ بَعْدَ أَنْ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ؟ قَالَ: فَمَا زَالَ يُكْرِرُهَا عَلَيَّ حَتَّى تَمَنَيْتُ أَنِّي لَمْ أَكُنْ أَسَلَمْتُ قَبْلَ ذَلِكَ الْيَوْمِ.

“Расулulloҳ (с.а.в.) бизни Жуҳайнадан бир қабилага юбордилар. Биз уларни сувларигача қувиб бордик. Мен ва ансорлардан бири ушбу қабиланинг бир вакилини қувиб етиб, қуршаб олганимизда, у: “ла илаҳа иллаллоҳ”, – деди. Ансорий ундан қўлини тортди. Мен эса, уни найзам билан яралаб ўлдирдим. Мадинага қайтганимизда, бу хабар Набий (с.а.в.)га етди. У менга: “Эй Усома, сен уни “ла илаҳа иллаллоҳ”, деганидан сўнг ўлдирдингми?” – дедилар. Мен: “Ё Расулulloҳ, у ўзини сақлаш учун айтди”, – дедим. У: “Уни “ла илаҳа иллаллоҳ”, деганидан сўнг ўлдирдингми?” – деб такрорлайвердилар. Ҳатто мен: “Ўша кунгача мусулмон бўлмаган бўлсайдим”, – дедим” [16; 16-17 б.]. Демак, инсон тилида “ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини айтиб, мусулмонлигини изҳор қилса, унинг гуноҳлари ёки амалларидан қатъи назар кофир ҳисобланмайди.

Энг муҳими, мутаассиб оқимларнинг “тақфир”и нотўғри эканини Қуръондан ҳам билиб олиш мумкин. Жумладан, “Бақара” сурасининг 178-оятинда шундай дейилган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلَى الْحُرُّ بِالْحُرِّ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ وَالْأُنثَى بِالْأُنثَى فَمَنْ عُفِيَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ فَاتِّبَاعٌ بِالْمَعْرُوفِ وَأَدَاءٌ إِلَيْهِ بِإِحْسَانٍ.

“Эй имон келтирганлар! Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос (олиши) фарз қилинди: озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан. Биродари томонидан афв этилса (хун тўлашга рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйин сунини ва хунини яхшилаб тўлаш (зарурдир)” [23; 27 б.]. Бу ерда ўз жонига қасд қилувчилар, яъни гуноҳ қилувчиларга мўминлар сифатида мурожаат қили-

ниши турли оқимларнинг “такфир” масаласидаги қарашларига қатъий раддия ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда айрим мутаассиб оқимлар ўзларига муҳолиф мусулмонларни куфрда айбламоқдалар, ҳатто, бунинг ортидан уларга қарши “жиҳод” эълон қилишгача бориб етмоқдалар. Ҳолбуки, исломнинг бирламчи манбалари таҳлили уларнинг қарашларида инсоннинг диндан чиқишига сабаб бўлувчи омиллар аслида кофир бўлишга олиб келмаслигини кўрсатади. Умуман, мутаассиб оқимларнинг “такфир” масаласидаги фикрлари таҳлил қилинса, улар ўзгаларни гуноҳ қилганликлари, “жамоа”дан ажралиб қолганликлари, “ҳижрат” қилмаганликлари, шариат қоидаларига амал қилмаганликлари, ўзларига қўшилиб бошқаларни куфрда айблаганликлари учун кофирга чиқариш ҳолатлари учрамоқда. Уларга кўра, бундай кимсалар диндан чиққан ҳисобланиб, ушбу айблов исломга қайтадан кириш билангина олиб ташланиши мумкин. Ваҳоланки, аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа таълимотига кўра, уларни асло кофир дейиш мумкин эмас. Чунки олимлар куфр ва ширкдан ташқари ҳеч қандай гуноҳ катта ёки кичиклигидан қатъи назар мусулмонга кофир ҳукмини беришга сабаб бўлмаслигига ижмоъ қилганлар.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда мутаассиб оқимлар томонидан ғаразли мақсадда қўлланилаётган “такфир” тушунчаси жаҳон миқёсида ёки муайян ҳудудий бирликда мусулмонларнинг ўртасида ихтилоф келтириб чиқариш, ўзгаларнинг жонига ноҳақ тажовуз қилиш мақсадида куфр борасида келган ҳадисларнинг асл мазмунини нотўғри талқин қилиш натижасида шаклланган бўлиб, илк ислом давридан буён бугунга қадар ислом учун энг катта зарар етказиб келатган муаммолардан бири ҳисобланади. Демак, юқорида келтирилган ҳадислар ва аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа олимларининг фикрлари инсон гуноҳлари ёки фарзларга амал қилмагани учун кофир ҳисобланмаслигини, ўзгаларни кофирга чиқариш эса оғир гуноҳлардан бири эканини кўрсатади.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Abulhusayn Muslim ibn Hajjoj. Sahihi Muslim. – ar-Riyod: Maktabatu dori-s-salom, 2007. – J.1.
2. Abu Bakr Kosoniy. Badoye’u-s-sanoye’. – Bayrut: Doru-l-kutubi-l-ilmiya, 2003. – J.1.
3. Abu Dovud Sulaymon ibn Ash’as. Sunani Abu Dovud. – ar-Riyod: Maktabatu dori-s-salom, 2008. – J.3.
4. Abu Iso Muhammad ibn Iso Termiziy. Jome’u-t-termiziy. – ar-Riyod: Maktabatu dori-s-salom, 2007. – J.3.
5. Abu Iso Muhammad ibn Iso Termiziy. Jome’u-t-termiziy. – ar-Riyod: Maktabatu dori-s-salom, 2007. – J.4.
6. Abu Ja’far Tahoviy. Matnu-l-aqidati-t-tahoviya. – Bayrut: al-maktabu-l-islomiy, 1977.
7. Abu Homid G’azzoliy. Faysalu-t-tafriqa bayna-l-islom va-z-zandaqa. – Damashq: al-maktabatu-z-zohiriya, 1993.
8. Ahmad ibn Ali ibn Hajar Asqaloniy. Fathu-l-boriy bisharhi sahihi-l-buxoriy. – ar-Riyoz: Dor tayyiba, 2005. – J.13.
9. Ahmad ibn Hanbal. Musnadi Imom Ahmad ibn Hanbal. – Bayrut: Muassasatu-r-risola, 2001. – J.3.
10. Diniy mutaassiblik: mohiyat, maqsadlar va oldini olish yo’llari / A.Hasanov, O.Yusupov, K.Shermuhamedov, U.G’afurov, J.Karimov. – Toshkent: Movarounnahr, 2013.
11. Maymun ibn Muhammad Nasafiy. Bahru-l-kalom. – Damashq: Doru-l-farfur, 2000.
12. Mullo Ali Qoriy Hanafiy. Sharh kitobi-l-fiqhi-l-akbar. – Bayrut: Doru-l-kutubil-ilmiya, 2007.
13. Muhammad ibn Ismoil Buxoriy. Sahihu-l-buxoriy. – ar-Riyod: Maktabatu dori-s-salom, 1997. – J.1.
14. Muhammad ibn Ismoil Buxoriy. Sahihu-l-buxoriy. – ar-Riyod: Maktaba dori-s-salom, 1997. – J.4.
15. Muhammad ibn Ismoil Buxoriy. Sahihu-l-buxoriy. – ar-Riyod: Maktabatu dori-s-salom, 1997. – J.8.
16. Muhammad ibn Ismoil Buxoriy. Sahihu-l-buxoriy. – ar-Riyod: Maktabatu dori-s-salom, 1997. – J.9.
17. Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Ochiq xat. – Toshkent: Hilol-Nashr, 2018.
18. Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Vasatiya – hayot yo’li. – Toshkent: Hilol-Nashr, 2019.
19. Munqiz ibn Mahmud Saqor. at-Takfir va zavabituhu. – Jidda: Robitatu-l-olami-l-islomiy, 2012.
20. Said ibn Ali ibn Vahf Qahtoni. Qaziyyatu-t-takfir bayna ahli-s-sunna va firaqi-z-zalal. – ar-Riyod: Matba’a safir, 2012.
21. Sa’duddin Mas’ud ibn Umar Taftazoniy. Sharhu-l-aqoidi-n-nasafiya. – Karachi: Maktabatu-l-madina, 2009.
22. Yusuf Qarzoviy. Zohiratu-l-g’uluv fi-t-takfir. – Qohira: Maktaba vahba, 1990.
23. Qur’oni karim ma’nolarining tarjima va tafsiri // tarjima va tafsir muallifi: Abdulaziz Mansur. – Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2018.